

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№7 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в.б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳаёти ва ҳуқуқшунослиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li</i> AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR	9-15
<i>Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович</i> ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ	16-20
<i>Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich</i> SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT SIYOSATI	21-26
<i>Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович</i> КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)	27-32
<i>Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ	33-41
<i>Bobodustov Bobur Mirzaboyevich</i> ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI	42-47
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжонова</i> XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА	48-55

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Казаков Олим Сабирович</i> ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	56-60
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i> CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	61-67
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i> TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI	68-76
<i>Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадиорович</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО ТУРИЗМА	77-82
<i>Xolmurotov Fozil Saribayevich</i> MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH	83-91
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i> ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	92-100

<i>Гойипназаров Санжар Баходирович</i> СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	101-110
--	---------

<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i> BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MONIYATI	111-119
---	---------

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Фаррух Абдурахманович</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ	120-126
--	---------

<i>Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли</i> ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	127-132
--	---------

<i>Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li</i> YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA ASOSLARI	133-137
--	---------

<i>Abdullayev Temur Bobir o'g'li</i> TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI	138-143
---	---------

<i>Islamov Kamol Tashkulovich</i> UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR NISBATI	144-150
---	---------

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Isanova Feruza Tulqinovna</i> O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI	151-160
--	---------

<i>Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li</i> AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING QO'LLANILISHI	161-167
---	---------

<i>Мухамедова Феруза Баходир кизи</i> ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ А. КИМА.....	168-174
--	---------

<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanyovich</i> TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI	175-180
---	---------

<i>Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda</i> FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION METODLARINING QO'LLANILISHI	181-185
---	---------

<i>Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi</i> MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK TADQIQI	186-190
---	---------

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Жавлиев Нурали Баходирович

МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЪМУН-МОҲИЯТИ191-195

Узакова Гўзал Шариповна

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ).....196-204

Usmanov Alisher Tolmasovich

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR205-213

Авезова Элеонора Парахатовна

РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН214-218

Мукумов Бобур Мелибой угли

ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ
.....219-224

Туракулова Назира Абдишукуровна

СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН225-232

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Хўжамкелдиев Ғафур Султон ўгли

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ233-237

Aziz Xasanovich Rajabiy

BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI
RIVOJLANTIRISH238-242

Malikova Sevar Samatovna

BO'LAJAK XOR RAHBARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH243-246

Васильченко Ольга Анатольевна

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ247-251

Xojimurodova Mahliyoхon Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich

AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES252-257

Асадуллаева Наргиза

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ258-265

Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi

BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODEL I266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA)	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОFAZASI VA ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	313-317
<i>Shermuhhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE	330-349

09.00.00 – Фаласафа фанлари

Тожибоев Сарвар Пўлатжон ўғли
Фарғона давлат университети таянч докторанти

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада давлат хизмати тушунчасининг мазмун-моҳияти ва унинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат хизматларидаги муаммолар ва ун янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш зарурати тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, кадрлар тайёрлаш миллий тизими, кадрлар, ҳалоллик, креативлик, кенг дунёқарашли кадр, маърифий тайёргарлик.

Tojiboev Sarvar Polatjon ugli
Doctoral student of Fergana State University

THE CONTENT OF THE CONCEPT OF PUBLIC SERVICE AND ITS LEGAL BASIS

Abstract. This article analyzes the content of the concept of public service and its legal basis. Also, the problems of public services and the need to organize them based on new approaches have been researched.

Key words: public service, national personnel training system, personnel, honesty, creativity, open-minded personnel, educational training.

Тожибоев Сарвар Пулатджон угли
Докторант Ферганского государственного университета

СОДЕРЖАНИЕ ПОНЯТИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ И ЕЕ ПРАВОВАЯ ОСНОВА

Аннотация. В данной статье анализируется содержание понятия государственной службы и ее правовая основа. Также исследованы проблемы государственных служб и необходимость их организации на основе новых подходов.

Ключевые слова: государственная служба, национальная система подготовки кадров, кадры, честность, креативность, открытый персонал, воспитательная подготовка.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N16>

Кириш. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида давлат хизматларини янги босқичга кўтариш ва бу орқали халқ манфаатлари устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш тизимини

такомиллаштириш эҳтиёжи юзага келди. Чунки давлат хизмати давлат бошқаруви тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Зеро, “давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш”[1:43] зарурати жамиятимизда кенг қўламли ислохотларни талаб этмоқда. Давлат хизматининг самарали фаолияти инсонлар манфаатининг қадрланишини англатади. Шу боис давлат хизматларини замонавийлаштириш ва давлат хизматчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш, ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва бу жараёни доимий ислоҳ қилиб бориш долзарблик касб этмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда салоҳиятли ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, давлат хизматини замонавий билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Зеро, “давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак”[2:32]. Дарҳақиқат, давлат хизматчиси сифатида ҳар бир раҳбар касбий одобини юксак ахлоқийлик мезонлари асосида шакллантириш ижтимоий зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Материаллар ва методлар. “Давлат хизмати” номли ўқув қўлланмада келтирилишича, “давлат махсус ташкил этилган аппаратсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Давлат аппарати эса, давлат хизмати тизимига муҳтож бўлади. Шу сабабли давлат аппаратида олиб бориладиган ислохотлар, биринчи навбатда, давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши ва самарали амалга оширилишини назарда тутди. Давлатнинг фаолият кўрсатиши, давлат аппарати ва давлат хизматининг ҳолати мамлакат аҳолисида унга нисбатан тасаввурларни пайдо қилади. Давлат номидан ҳаракат қилаётган хизматчига қараб давлатга ёки давлат аппаратида баҳо берилади. Шу сабабли, ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шакллангани жуда муҳим аҳамиятга эгадир”[3:6]. Демак, давлатнинг қандай ишлаётганлиги, аҳолининг ҳукуматга бўлган муносабатлари давлат хизматларини қанчалик даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлади. Яъни давлат хизматлари профессионал тарзда йўлга қўйилган бўлса аҳолининг ҳукуматга бўлган ишончи ва ҳурмати ошади. Бироқ давлат хизмати тўғри йўлга қўйилмаган, бюрократик тўсиқлардан иборат бўлса аҳолида давлат ўз ишини тўғри йўлга қўя олмаяпти деган хулоса шаклланади.

Муҳокама ва натижалар. Давлат ҳокимиятининг устувор вазифаларидан бири давлат органлари учун малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириш, шунингдек, давлат хизматчилари тайёрлаш тизимини модернизациялаш ва изчил ривожлантириш, ўзгаришларга тез мослашадиган мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев фикрича, “бугун оддий бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишмаяпти”[1:43]. Шунинг учун ҳам давлат хизматлари аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланишларига эмас, бюрократик тўсиқларга, қоғозбозликка хизмат қилмоқда. Профессионал давлат хизматларини йўлга қўйиш орқали ҳукумат ўз ишини осонлаштиради ва иш самарадорлигини оширади. Чунки кучли ва салоҳиятли кадрлар ва замонавий давлат хизмати иш унумдорлигини ижобий таъсир кўрсатади ва вақт

сарфини камайтиради. Зеро, “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, улар билан доимий ишлаш, малакасини ошириб бориш, самарали давлат хизматчилари захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади”[3:6]. Шу боис жамиятимизнинг янги тараққиёт босқичида давлат хизматлари тизимини ислоҳ қилиш, уни замонавийлаштириш ва ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш ишлари халқ билан тўғри мулоқотни таъминлаш, халқ манфаатлари устуворлигига эришиш омили саналади.

Шунингдек, давлат хизматининг тўғри йўлга қўйилиши қабул қилинган қонун ҳужжатлари, ҳуқуқий асосларга ҳам боғлиқ бўлади. Машҳур юнон файласуфи Арасту фикрича, “кўпчилик нимагаки интилаётган бўлса ва бу борада мусобоқалашишга арзийдиган нарсас бўлса ана ўшалар ҳам неъматлар деб тасаввур қилинади, одамларнинг кўпчилиги, аксарияти тушунчаси эса ҳамма одамлар” деган тушунчага баробар деб тасаввур қилинади”[4:247]. Демак, кўпчилик интилаётган фаровонликни таъминлашда давлатнинг вазифаси ўз хизматларини юксак савияда таклиф этишдир. Давлат хизматининг профессионал ишлаши ижтимоий муносабатларнинг қанчалик ҳуқуқий асослар бўйича йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Қонун ҳужжатларини қанчалик мукамал ишлаб чиқилганлиги, унинг амалиёти тўғри йўлга қўйилганлиги давлат хизмати самарадорлигига таъсир кўрсатади. Яъни ҳар бир соҳада қонунчилик мукамал асосга эга бўлса хизмат кўрсатиш ҳам сифатли бўлади. Чунки давлат хизмати жамият аъзолари ўртасидаги ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Зеро, “инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат»[5:54]. Шундай экан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва бу орқали инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш – фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

Давлат жамият сиёсий тизимининг етакчи элементи бўлиб қолар экан, давлат хизматчиларининг ишчанлиги, бурч ва масъулиятга муносабати, ҳалоллиги, маънавий-ахлоқий қиёфаси давлатнинг обрўйига, у орқали жамиятнинг барқарор ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Давлат хизмати шундай фаолият турики, унинг натижаларини хизматчилар тайёрлаган ва қабул қилган ҳужжатларнинг миқдори ёки ҳажми билан, уларнинг ишга сарфлаган вақтлари билан ўлчаб бўлмайди. Давлат хизмати ўзига хос ижтимоий муносабат бўлиб унда давлат ҳокимияти ўзининг ижтимоий жараёнларни, одамлар фаолияти ва хулқ-атворини ташкил қилиш ва бошқариш функциясини амалга оширади. Чунки “ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фойзалар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда нуроний кексаларимиз, муҳтарам отахон ва онахонларимиз, ҳурматли аёлларимиз, азиз фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, кўп миллатли бутун халқимиз биздан рози бўлади”[6:48]. Шундай экан, инсонларни ҳаётини манфаатларини таъминлаш, муносабатларни

тартибга солиш, хизмат кўрсатишни юксак даражага олиб чиқиш муҳим истиқболдаги вазифалардандир.

Давлатимиз раҳбари фикрича, “давлат хизматчиларининг мақоми белгиланмаганлиги, ошкора давлат хизматига қабул қилишнинг механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги” учун ҳам бу тизимда кўплаб камчиликлар мавжуд эди. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қайсидир идоранинг остонасида қадрсизланарди. Шу боис ҳам давлат хизматларини ислоҳ қилиш, унинг қонуний асосларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, марказлашишдан либераллаштиришга доир ислоҳотларга муҳтож эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари”да давлат хизматчилари мажбуриятлари сифатида “хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажаришлари” келтирилган.

Давлат хизматларида адолат муҳим мезон бўлиши, жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини таъминлашда ижтимоий адолатни таъминлай билиши талаб этилади. Жамиятда ўзининг мавқеи, касби, маълумоти, даромади ва бошқа белгиларга қараб ўзаро фарқланувчи қатлам ва ижтимоий гуруҳлар фаолият юритади. Уларнинг манфаатлари ҳам кўпинча бир-биридан фарқ қилади, баъзи ҳолларда эса ўзаро зид келиб қолиши ҳам мумкин. Ана шу турли гуруҳлар ва қатламлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали бошқариш учун давлат хизматчилари фаолиятида адолат ва ҳалоллик бош тамойиллар қаторидан ўрин олиши керак.

Тадқиқотчи Беҳзод Маликовнинг фикрича, “Ўзбекистоннинг давлат хизмати тизимида ва меҳнат бозорида шундай муаммо ҳамда анъана кузатилмоқдаги, кўплаб малакали мутахассислар давлат хизматидан кўра бизнес секторда ишлашни хоҳлашмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида давлат бошқаруви идораларида меҳнат қилувчи ходимлар ойлик иш ҳақининг камлиги ва уларга яратилган ижтимоий имтиёзларнинг талаб даражасида эмаслигини кўрсатиш мумкин”[7:1162]. Фикримизча, бундай омиллар давлатнинг функция ва вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, давлат хизматчилари орасида коррупция элементларининг кучайишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, дунёнинг айрим мамлакатларида давлат хизматчиларининг иш ҳақини белгилашда бозор тамойиллари асосида ёндашилади.

Давлат раҳбари Ш.Мирзиёевнинг “давлат хизматларини тартибга солишдаги муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этилиши”[1:43] зарурлигини кўп бора таъкидлагандан сўнг бу тизимда ислоҳотлар бошланди. Давлат хизмати олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бошқариш учун у тўғри ташкил қилиниши лозим. Давлат хизмати таркибий қисмларнинг икки гуруҳи узвийлигидан ташкил топади. Булар қуйидагилар:

1. Давлат ҳокимиятини қўллаш ва давлат функцияларини, мақсадларини аниқлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий ва ташкилий институтлар тизими.

2. Махсус тайёргарликдан ўтган ва давлат аппаратида машғул бўлган одамлар.

Бу икки гуруҳ таркибий қисмларнинг уйғунлиги ва фаоллиги давлат хизмати самарадорлигини белгилайди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида давлат хизматларини муттасил такомиллаштириб бориш вазифаси долзарблик касб этмоқда. Давлат хизмати жамиятда юз бераётган ислохотларга мос тарзда ва улардан илгарилаброқ ислох қилиниши лозим. Чунки, жамиятдаги ислохотлар бошқарув аппаратидаги ислохотлардан бошланади. Мамлакатимизда ўтказилаётган маъмурий ислохотлар ҳам худди шу нуқтаи назардан ўтказилмоқда. Агар давлат хизматидаги ислохотлар жамиятдаги ислохотлардан илгарироқ юрмаса ёки у жамиятдаги ислохотлардан орқада қолса тараққиётга ғов бўлиб қолади. Шунинг назарда тутиб, давлат хизматини такомиллаштиришга мамлакатимизда биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Зеро, “давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн, йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдимизда кўндаланг бўлишини прогноз қиладиган тизим ҳали шаклланиши йўқ”[1:43]. Бунинг учун давлат хизматларини ривожлантириш бугунги замон талабларини инобатга олиш, ривожланган давлатларда давлат хизматларини ташкил этиш самарадорлигини ўрганиш талаб этилади.

Ҳозирги даврда мамлакатлар тараққиётини, хавфсизлигини, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишни давлатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан давлат билан боғлиқ институтлар, тушунчалар, элементлар доимо диққат-эътиборда бўлиши табиий. Уларнинг ривожланиши учун имконият яратиш, турли тузилмалар ўртасида тўғри алоқа ташкил этиш муҳим масаладир. Бундай вазифани шубҳасизки, давлат хизматлари амалга оширади. Бироқ Ўзбекистоннинг сўнги чорак асрида давлат хизматлари халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун эмас, балки ҳокимиятнинг таъсирини орттириб кўрсатиш учунгина хизмат қилди. Инсонлар давлат хизматлари орқали давлатнинг қанчалар мураккаб тузилма эканлигини англашлари мумкин эди. Шавкат Мирзиёев иқтидорга келганидан сўнг, барча соҳалар каби давлат хизматларини ҳам қаттиқ танқид қилди ва уни ислох қилиш долзарб вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, “мамлакатимизда барча шаҳар ва туманларда, мисол учун, олис Чимбой ёки Қўрғонтепа туманида ҳам аҳолига давлат хизматларини кўрсатадиган идоралар мавжуд. Улар халққа хизмат қилиш учун тузилган. Лекин, афсуски, аксарият ҳолларда улар халқдан узилиб қолган, десак, бу ҳам тўғри бўлади”[2:33]. Шу боис давлат хизматларини юксак талаблар асосида шакллантириш ва фуқаролар манфаатини таъминлаш, давлат ва жамият функцияларини йўлга қўйиш устувор вазифалардан биридир.

Хулоса. Хулоса қилганда, давлат хизматини ташкил этишда, хизматчилар манфаатини ҳимоя қилишда, давлат хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи алоҳида рол ўйнайди. Ҳозирда давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун доимий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг нормал меҳнат қилиши учун шароит яратиш, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда, меҳнат қобилиятини умуман йўқотганда, нафақага чиққанда моддий томондан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳал қилинган. Лекин «давлат хизматчиси тўғрисида» қонун қабул қилинса,

давлат хизматчиларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш янада кучайиб, масала жаҳон андазалари доирасида ҳал қилинган бўлар эди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбекистон. 3-жилд. 2019. –Б.43.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2-жилд. 2018. –Б.32.
3. Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати. Тошкент: Baktria press, 2015. –Б. 6.
4. Арасту. Ахлоқи кабир. Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2018. –Б. 247.
5. Бахрах Д. Н. Административное право. – Москва.: Пресс. 1993. - С.54.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари. 4-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2020.–Б. 48
7. Маликов Б. Ўзбекистонда давлат хизматини тартибга солишдаги муаммолар. //Academic research in educational sciences. Volume 2. issue 2. 2021. –Б. 1162. (www.ares.uz)

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 7 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).